O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 3 март, чоршанба • №18 (11.613) • Эркин нархда сотилади

Наврўз тараддуди

## ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

***Кўклам келди. Ҳадемай, борлиқ ям-яшил либосларга бурканади. Далаларда, боғ-роғларда яратиш, ободонлаштириш ишларига киришилди. Бу — Наврўздан дарак. Бу янгиланиш, яшаришдан дарак.***

Дарҳақиқат, 2004 йил Наврўзига тайёргарликни ангренликлар бошқачароқ бошлашди. Шаҳарда боғ-роғ яратиш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилди.

— Ангренликлар бу йил ҳам майдонлар ва хиёбонлар, истироҳат боғлари ва маҳаллалар, катта йўл бўйларида уюштирилган ҳашарларда фаол иштирок этмоқдалар, — дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Мираъло Миротаев. — Ҳозиргача кўчалар бўйига, хиёбон ва майдонларга 20 минг туп арча кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, 10 минг туп терак тайёрлаб қўйилди. 10 минг туп атиргул кўчатлари, 10-12 минг туп мавсумий гуллар экишга шай турибди. Айни кунларда қайси маҳаллага, қайси ташкилотга борманг, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Шаҳар ҳудудидаги 51 та маҳалланинг ҳар бирида ўз дарвозаси, гузарлари бўлиши режалаштирилган эди. Бугунги кунга келиб, Боғи-сурх, Обпардак, Облиқ, Гулбоғ маҳаллалари бу мақсадларга эришдилар.

Бу Ангрен шаҳрида Наврўзи айёмни кутиб олиш борасида қилинаётган ишларнинг бир бўлаги. Бунга кенг кўламда амалга оширилаётган қурилишлар, бунёдкорлик ишларини, айниқса, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан белгиланган саҳоват тадбирларини ҳам кўшсак ангренликларнинг Наврўз умумхалқ байрамига қанчалик қизғин ҳозирлик кўраётганликлари маълум бўлади.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ.**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

***Вилоят ҳокимлигининг «Ҳамдўстлик» клубида «Аёл. Оила. Жамият» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни вилоят хотин-қизлар қўмитаси ЮНИФЕМ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказди.***

Тадбирда вилоят, шаҳар ва туманларнинг фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари, имом-хатиблар иштирок этишди.

Давра суҳбатини вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни, уларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан ҳуқуқий маданиятни ошириш, балоғатга етмаган қизлар турмуш қуриши, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳусусида сўз борди. Асосий эътибор хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳамкорлигини кучайтириш муаммоларига қаратилди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## БАҲОР КЕЛДИ...

***Вилоятимизнинг сабзавоткор туманлари деҳқонлари эртаки экин турларини барвақт экиш, бунинг учун полиэтилен плёнкаларидан самарали фойдаланишни қатъий йўлга қўйиш устида тинимсиз изланишмоқда. Бу бежиз эмас. Эрта эккан деҳқон маҳсулотини бозорга барвақт чиқаради ва меҳнатига яраша даромад кўради.***

Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалиги аъзолари бу йил 230 гектар майдонга сабзавот экинлари экишни режалаштиришган. Шундан 75 гектар ер эртаки карам учун ажратилган эди. Унинг асосий қисмига февралдаёқ кўчат қадаб, плёнка тортилди. Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликнинг тажрибали деҳқонлари сабзавот кўчатларини тайёрламоқдалар. Жумладан, пудратчи Фарида Муҳаммаджонова ҳам ўз иссиқхонасида бу йил кўкламги экиш мавсумига 100 мингдан зиёд карам кўчати етиштирди. Унинг бир қисми плёнка остига жойлаштирилди. Қолгани очиқ майдонларга экилмоқда.

Барвақт, яъни плёнка тортиб экилган майдонларга биринчи ишлов бериб бўлинди.

***СУРАТЛАРДА:*** *пудратчи Фарида Муҳаммаджонова ўзи етиштирган карам кўчатлари сифатини кўздан кечирмоқда; плёнка остига экилган карам далалари.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан ЎзАга маълум қилишларича, Италия Мудофаа вазирлиги ҳарбий-техник ҳамкорлик битими доирасида мамлакатимиз Қуролли Кучларига "LANCIA ACL-75" русумли 50 та юк автомобили етказиб берди.***

Икки мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигига Италия Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-стратегик тадқиқотлар маркази директори, генерал-майор О.Кукуззанинг 1998 йилнинг майида республикамизга ташрифи чоғида асос солинган эди. Ташриф асносида минтақавий хавфсизлик масалалари ва ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама этилганди.

2002 йилнинг кузида эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги делегацияси Италияга ташриф буюрди. Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари ва уни амалга татбиқ этиш бўйича фикр алмашди.

Айни пайтда Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари Италия армияси ўқув юртларида таълим олмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси базасида Италияга ўқишга юбориладиган офицерлар учун ушбу мамлакат тилини ўрганиш курслари ташкил этилган.

Автомобилларни қабул қилиш ва топшириш маросимида сўзга чиққан Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персиани мамлакатларимизнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги истиқболига юқори баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг халқаро алоқалар бўйича ўринбосари Р.Ниёзов италиялик ҳамкасбларига Ўзбекистон армиясини техник жиҳозлашда бераётган ёрдами учун миннатдорлик билдирди ва ҳарбий идораларнинг ҳамкорлиги келгусида ҳам муваффақиятли ривожланишига ишонч билдирди.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

Вилоят ҳаёти

## ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

***Ўтган йили Ўртачирчиқ туманидаги Қорасув пахта тозалаш заводи 18 минг 970 тонна пахта қабул қилиб олган эди.***

– Яқинда заводимиз Қорасув-Швейцария қўшма корхонасига айлантирилди, – дейди корхона раҳбари Ўрозали Жўраев. – Ҳамкорларимиз 200 миллион сўм сармоя киритди. Ўтган йилни 48 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

Корхонада қисқа вақт мобайнида замонавий пахта қуритиш ва тозалаш, чигитни туксизлантириш цехлари, барча талабларга жавоб бера оладиган тарозихона ишга туширилди.

Бу ишни енгиллатиш билан бир қаторда тола сифатини яхшилаш ва электр энергияси сарфини тенг ярмига қисқартириш имконини бериб, экспорт ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

**ЎзА.**

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Янгийўл туманида боғорги ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари ҳар йилгига нисбатан аввалроқ бошлаб юборилган эди.***

Айни кунда айрим ширкат хўжаликлари ва маҳаллаларда бу борадаги юмушлар якунланмоқда. Хусусан, тумандаги А. Ортиқов номли, «Тинчлик», «Ниёзбош» ширкат хўжаликларида саранжомлаш ва атрофни кўкламзорлаштириш ишлари аллақачон ниҳоясига етказилди. Бу ҳудудларда катта йўл четларидаги ташландиқ ҳолда ётган ерларга мевали дарахт кўчатлари экилиб, кичик-кичик боғлар барпо этилди. Маҳаллалардаги чиқиндилар чиқариб ташланиб, ариқлар бўйларига гул кўчатлари қадалди, дарахтлар оқланди.

Бугун Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари кетмоқда.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

## «БОЙҚОЗОН»ДА УЧРАШДИЛАР

***Паркент тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ўтказаётган тадбирлар «Огоҳлик – давр талаби» мавзуида бўлмоқда.***

Бундай тадбирлар қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар ёшлари ўртасида уюштирилмоқда. Куни кеча «Бойқозон» ширкат хўжалиги марказида ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Учрашувлар чоғида бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар, дунёда рўй бераётган воқеалар, гиёҳвандлик балоси, ОИТС хасталиги оқибатлари ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

**Отабек НАҲАНОВ.**

## ҲОМИЙЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

***Қибрай туманида ногиронлар ўртасида шоҳмат-шашка бўйича туман биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ногиронлар жамияти туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган ушбу беллашувда 30 нафардан зиёд ҳаваскорлар ўзаро баҳслашдилар.

Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган мусобақа ғолиблари ва иштирокчиларига ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

Қарор ва ижро

## 1130 ТАСИ РЕЖАДАН ТАШҚАРИ

### БУ КЎПМИ, КАММИ?

***Иқтисодиётни эркинлаштириш бугунги куннинг талабига айланди. Бунга эришишнинг асосий омили хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, айниқса, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик корхоналари манфаатларини кўзлаб, уларни қўллаб-қувватлаш, текширишлар қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил қилиниши ва ўтказилиши билан боғлиқ. Вилоят, шаҳар ва туманлар бўйича тузилган назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияларнинг саъй-ҳаракатлари шунга йўналтирилган.***

Хўш, улар қандай фаолият кўрсатмоқда? Текширишлар жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамма ҳам тўлиқ риоя қилаяптими? Ҳамиша ҳам улар қонун талабларига мутаносиб ўтказилаяптими? Бу ишларни баҳолашнинг мезонлари қандай? Хўжалик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш учун нималарга эътиборни қаратмоқ зарур?

Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида асосий эътибор юқоридаги сингари саволларга жавоб топиб, текширишларни ташкил этиш жараёнларидаги муаммоларни ечишга қаратилди.

Комиссия хўжалик субъектларида ўтказилаётган текширишлар жиддий тартибга солини-

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг гапи

## БОҚСАНГ БОҒ, БОҚМАСАНГ КЎНГИЛГА ДОҒ

***Тошкент вилояти мевачилик ва узумчилик соҳаларида республикада алоҳида мавқе ва салоҳиятга эга. Хусусан, мевали боғлар кўлами бўйича мамлакатда иккинчи ва токзорлар бўйича учинчи ўринда. Жами 15,7 минг гектар боғнинг 11,9 минг гектари, 9,9 минг гектар токзорларнинг 7,5 минг гектари ҳосилга кирган.***

Ҳозирги кунда вилоятимизда мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган олтита туман мавжуд бўлиб, боғ ва токзорларнинг ҳам асосий қисми шу туманларда жойлашган.

Шу ўринда бир нарсани эътироф этиш керак. У ёки бу ҳудуднинг нуфузи ва салоҳияти боғ ва токзорларнинг умумий майдони эмас, балки мевачилик ва узумчилик қай даражада йўлга қўйилгани, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, етиштирилаётган маҳсулотларнинг салмоғи ва сифатига қараб белгиланади. Маҳсулотнинг мўл ва сархиллиги эса, боғ ва токзорларда йил-ўн икки ой давомида изчил олиб бориладиган ишловнинг сифатига боғлиқ бўлади. Боққа боқсанг боғ бўлади, дахсар ботмон ёғ бўлади, агар боқмасанг кўнглингга доғ бўлади, деган халқ нақлининг маъноси аслида шу. Асл боғбон ва соҳибкор ана шу мантиқдан келиб чиқиб, боғ ва токзорини парваришлашни одат қилган.

Хўш, вилоятимиздаги мавжуд боғ ва токзорларнинг бугунги аҳволи қандай? Куз ва қиш фаслларидаги агротехник ишловлар вақтида ва

(Давоми 2-бетда).

## ПУЛЛИ ХИЗМАТ: ТАФОВУТ НЕГА КАТТА?

***Аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ҳар томонлама кенгайтириб бориш, бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланишга эришиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Аҳолининг фаровонлигига, турмуш шароити енгиллашишига хизмат кўрсатувчи катта-кичик корхоналарни барпо этиш ишсизликни камайтиришга ҳам ёрдам беради.***

Бутун мамлакатимиз қатори вилоятимизда ҳам бундай объектларни кўпайтиришга катта эътибор берилаётганлиги ҳам шундан. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг бундай хайрли ишга қаратилган фаолиятлари бутун чоралар билан қўллаб-қувватланаяпти. Бу масалага етарли аҳамият билан муносабатда бўлинаётган шаҳарлар ва туманларда бу соҳа бўйича белгиланган режалар тўла ва ошириб бажарилмоқда, унинг янги-янги турлари ўзлаштирилаяпти. Шулар ҳисобига вилоятимиз бўйича аҳолига пулли хизмат кўрсатиш тармоғида сезиларли ижобий силжишлар юз бермоқда.

Вилоятимиз аҳолисига

(Давоми 3-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?
Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс – 205.

# ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Аввал хабар қилинганидек, 2004 йил 29 февраль куни бўшаб қолган айрим сайлов округларида Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашига депутатликка сайлов бўлиб ўтди. Унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда 17-«Янгиҳаёт», 22-«Ғазалкент», 25-«Назарбек», 34-«Олимкент», 36-«Озодлик», 48-«Чиноз», 52-«А. Ортиқов» сайлов округлари тузилиб, улар таркибида 105 та сайлов участкалари иштирок этди. Сайловга тайёргарлик кўришда вилоят сайлов комиссияси томонидан тузилган календар режа асосида иш олиб борилди.**

**Номзодлар кўрсатиш ва улар билан учрашувлар ўтказиш қонун асосида амалга оширилди. Сайловда округлар ҳудудидаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 175964 сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, овоз беришда 151411 сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 86 фоизини ташкил этади.**

**Овоз бериш натижаларига кўра, округ сайлов комиссияларининг тузган баённомалари асосида кўпчилик ёқлаб берган овозлар бўйича қуйидагилар Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашига депутат этиб сайландилар.**

## Бўшаб қолган ўринларга II чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда сайланган депутатлар РЎЙХАТИ

| Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва турар жойи | Сайлов округининг рақами ва номи |
|---|---|---|
| Аҳмеджанова Адиба Камилджановна | 1955 йил, партиясиз, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Тошкент шаҳрида яшайди | 48-«Чиноз» |
| Исабоев Акмалжон Тешабоевич | 1963 йил, партиясиз, Зангиота тумани ҳокими, Тошкент шаҳрида яшайди | 25-«Назарбек» |
| Санақулов Қувондиқ | 1957 йил, партиясиз, Олмалиқ шаҳар «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳрида яшайди | 36-«Озодлик» |
| Тўлаганов Козим Носирович | 1949 йил, партиясиз, Тошкент вилояти ҳокими, Тошкент шаҳрида яшайди | 22-«Ғазалкент» |
| Уралов Баҳром Ҳабибуллаевич | 1955 йил, партиясиз, «Тошкентавтойўл» қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти раҳбари, Тошкент шаҳрида яшайди | 34-«Олимкент» |
| Файзуллаев Зафар Жоруллаевич | 1958 йил, партиясиз, Янгийўл шаҳар ҳокими, Янгийўл шаҳрида яшайди | 17-«Янгиҳаёт» |
| Цой Георгий Анатолевич | 1958 йил, партиясиз, Янгийўл тумани «Юксалиш» фермер хўжалиги раҳбари, Янгийўл туманида яшайди | 52-«А. Ортиқов» |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси С. ҚУРБОНҚУЛОВ.**

29 февраль, 2004 йил.

# МИСР ЁШЛАР НИГОҲИДА

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вояга етаётган ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, юртга, унинг тарихига муҳаббатни шакллантириш, уларни тасвирий санъат соҳасига кенг жалб қилиш мақсадида «Миср Ўзбекистон ёшлари нигоҳида» мавзуида расмлар танлови ташкил этди.***

Унда 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёш рассомлар ўзларининг турли услубда қоғоз ва картонга ишланган расмлари билан қатнашдилар.

Зангиота туман маданият уйида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туманларда ғолиб чиққан 56 нафардан зиёд ёш ҳаваскорлар ўз асарлари билан иштирок этишди. Танловнинг бош соврини чиноз-лик Гўзал Тўлагановага насиб этди. Иккинчи ўринга юқоричирчиқлик Даврон Сманалиев ва қуйичирчиқлик Анастасия Алексенько лойиқ деб топилди. Чирчиқлик Довурбек Атеев эса учинчи ўрин соҳиби бўлди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, шоҳсупанинг биринчи ва иккинчи ўринларини эгаллаган ёш мўйқалам соҳиблари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Камол ҒАЙРАТОВ.**

Ватанпарвар

# ОЛМАЛИҚ МАКТАБИ

***Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Олмалиқ бўлимининг автомобиль мактаби ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни она-Ватаннимизни ҳимоя қилишга тайёрлаш ва уларнинг сиёсий-маънавий дунёқарашини ўстириш, спортнинг техник-амалий турларини ривожлантириб, халқимизнинг бой тарихи, шонли жанговор анъаналари ҳамда қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида ибратли тажриба орттирмоқда.***

Чақирилувчиларни ҳарбий касбларга ўргатиш, маънавий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик кучайтирилаяпти. Ўтган йилги ўқув жараёнида Қуролли Кучлар сафларига 105 нафар «С» тоифали ҳайдовчи-техник мутахассислар тайёрланди. Шу билан бирга турли ихтисосдаги халқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш, малакаларини оширишга қаратилган ишлар ҳам қизғин олиб борилмоқда.

Қуролли Кучларга кичик мутахассислар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш мақсадида ҳар йили ўқитувчи, ҳайдовчилик илмини ўргатувчи устозлар учун уч кунлик ўқув-услубий йиғинлар ўтказилмоқда.

Амалий машқларни бажариш учун автодром, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш лабораториялари мукаммал жиҳозланган. Курсантларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш йўлида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Ўқув давомида ҳафтасига уч кун спортнинг ҳарбий-амалий етти тури бўйича тўгараклар машғулоти ташкил этилган. Унда қатнашувчилар ўқ отиш, автомобилни бошқариш, шунингдек, кичик футбол, шоҳмот-шашка, волейбол билан шуғулланадилар.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *йўл ҳаракати бўйича мураббий Қаҳрамон Ҳамроев (чапдан иккинчи) автомобиль қисмлари тузилиши ҳақида маълумот бермоқда; амалий машғулот пайтидан лавҳа.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Қарор ва ижро

# 1130 ТАСИ РЕЖАДАН ТАШҚАРИ

## БУ КЎПМИ, КАММИ?

ши, уларнинг миқдорини камайтириш, назорат самарадорлиги кўтарилиб боришига эришиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу масалалар хусусида ташвишланиб гапирилишининг ўз сабаблари бор. Чунки, ноқонуний текширишлар, тадбиркорлик таркиблари фаолиятига асоссиз равишда аралашишлар ҳамон содир бўлаяпти. Чунончи, ўтган бир йил мобайнида саккиз ҳолатда шундай жиддий камчиликка йўл қўйилган. У айрим назорат идоралари раҳбарларининг масъулиятсизликлари, ҳудудий комиссиялар талабчанликни сусайтириб юборганликлари, айни пайтда хўжалик раҳбарларининг ўз ҳуқуқларини пухта билмасликлари оқибатидан бошқа нарса эмас.

Яна бир жиҳат борки, у текширишлар кичик бизнес корхоналари, фермер хўжаликларининг фаолияти изга солиниши, улар қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилишларига эришилишига хизмат қилишидан иборат. Афсуски, назорат идоралари кўпинча бу асосий вазифани унутиб қўядилар, фақат камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, айбдорларни у ёки бу жазога мустаҳид этиш билан кифояланадилар. Назорат иши самарадорлигини баҳолаш мезони ҳам шу нуқтаи назардан келиб чиқиб белгиланади. Чунончи, текширишлар чоғида камчилик қанча кўп аниқланса, назорат самарадорлиги шунчалик юқори кўтарилган ҳисобланади. Шу тўғрими? Асли текширишдан мақсад нима? Бу тахлитдаги назорат корхона, фирма ва бошқа хўжалик субъектларида иш юритиш жараёнларига қонунчилик асослари чуқурроқ сингиб боришига таъсир кўрсатаяптими?

Шу сингари саволлар вилоят ҳудудий комиссияси аъзоларини ташвишга солаётганлиги, мавжуд камчиликларни бартараф этишга интилиш кучли эканлиги қувонарли, албатта. Лекин йиғилишда вилоят статистика бошқармаси, «Савдогарбанк», «Халқ банки», «Уйжойжамғармабанк», «Ҳамкорбанк»ларнинг ҳудудий бўлинмалари ўтказаётган текширишлар самарасиз бўлганлиги кўрсатиб ўтилди.

Текширишларнинг тартибга солинишида у турли назорат идоралари томонидан биргаликда ўтказилиши катта аҳамиятга эга. Бу борада вилоятда муайян тажриба орттирилганлиги йиғилишда қайд қилинди. Шу билан бирга хўжалик субъектлари фаолиятини назорат қилишнинг мажмуавий усули такомиллаштириб борилиши лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу, айниқса, текширишларни тўғри режалаштириш билан боғлиқ. Масалан, текширувчи гуруҳ қайси назорат идоралари ходимларидан иборат таркибда шакллантирилишидан аввал текшириш объектининг иш хусусияти, ҳолати ва фаолият йўналишлари ўрганиб чиқилиши керак. Шу жиҳатдан айрим шаҳар ва туманлардаги ҳудудий комиссиялар текширишларни мувофиқлаштиришга, улар кутилган натижани беришга ҳамиша ҳам эришаётирлар деб бўлмайди. Акс ҳолда ўтган йили вилоят бўйича режадан ташқари 1130 текшириш ўтказилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Кичик бизнес тизимида фаолият юритаётган 15 минг 389 корхонанинг фақат 16,2 фоизи ёки 2497 тасида назорат идоралари томонидан текшириш ўтказилгани ҳолда бир йилда режада мўлжалланганидан 102 та кўп текшириш ташкил этилганини-чи?

Лекин текширувчи идоралар фаолиятида бунинг акси юз бераётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Вилоят ҳудудий комиссияси акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и билан Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки вилоят бўлимлари, уларнинг жойлардаги филиалларининг назорат амалиётини кўриб чиқаётиб, қайд этдики, бу идоралар йил давомида режалаштирилган 430 та текширишнинг 410 тасини ўтказишган. Текширишларнинг 28,7 фоизидагина қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. «Пахтабанк»нинг Паркент, Янгийўл, Чиноз, Юқоричирчиқ туманларидаги филиаллари ўтказаётган текширишларнинг самараси айниқса паст. Гоҳи ҳолларда текширувчилар ишга киришаётганликларини қайдлар дафтарида акс эттирмасликка уринадилар. Миллий банкнинг ҳудудий филиаллари фаолияти ҳам шу каби қусур ва нуқсонлардан фориғ эмас. Чунончи, текширувлар миқдори бир йилда 94 тага ошган.

Тўғри, назорат қилувчи идоралар томонидан режалаштирилаётган текширишларни мувофиқлаштириб боришга, текширишлар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлишига эътибор кучайяпти. Чунончи, Бўка, Чиноз, Қуйичирчиқ ҳамда Янгийўл туманлари ҳудудий комиссиялари «Пахтабанк» ва Миллий банк филиаллари амалга ошираётган текширувлар чоғида йўл қўйилган нуқсонларни муҳокама қилиб, тегишли банк филиалларининг бошқарувчиларини огоҳлантирдилар. Айниқса, Чиноз тумани бўйича назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия текширишларни тартибга солиш, улар амалдаги қонун талабларига мувофиқлигини назорат қилишга қаратилган мониторинглар ташкил этаяпти. Шу жараёнда аниқланган камчиликлар дарҳол бартараф қилинаётир. Албатта, комиссиянинг фаолияти муайян камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Бу ҳақда йиғилишда алоҳида кўрсатиб ўтилди. Умуман олганда, текширишларни мувофиқлаштириш ўз самараларини бераяпти. Айтайлик, унинг даражаси кейинги пайтларда муттасил кўтарилиб бориб, ўтган йили вилоят бўйича 84,5 фоизни ташкил этди. Текширишлар хўжалик субъектлари фаолиятида кўпгина молиявий камчиликлар юз бераётганлигини кўрсатди. Айбдорларга нисбатан 28 миллиард 242 миллион сўмлик молиявий-иқтисодий жазо чоралари қўлланилди, 6665 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугуннинг гапи

# БОҚСАНГ БОҒ, БОҚМАСАНГ КЎНГИЛГА ДОҒ

сифатли бажарилдими? Кўкламги тадбирлар маромида амалга оширилаяптими?

Бу саволларга холисона жавоб берадиган бўлсак, айтиш жоизки, вазият хотиржам бўладиган даражада эмас. Аксарият туманларда боғ ва токзорларнинг бугунги аҳволи ачинарлидир. Бир қатор хўжаликларда умуман қаровсиз ташлаб қўйилгани яққол кўриниб турибди. Қатор оралари бир неча йилдан бери ҳайдалмаяпти. Айрим хўжаликларда эса, мевали дарахтларга шакл бериш тадбири мутлақо унутиб юборилган. Боғ ва токзорларнинг хатосини тўлдириб бориш, яъни мутахассислар тили билан айтганда, боғларни вақтида таъмирлаб туришдек муҳим тадбирга ҳам эътибор бермай қўйилган.

Илгарилари раҳбарлар тез-тез ўтиб турадиган катта йўллар ёқасидаги боғ ва токзорларни доимо яхши ҳолатда сақлашга ҳаракат қилишарди. Ҳозир эса, бу одат ҳам унут бўлган. Масалан, Ўртачирчиқ туманидаги «Ўртасарой» ширкат хўжалигининг катта Оҳангарон трассаси бўйида жойлашган боғига сўнгги марта қачон ишлов берилганини аниқлаш қийин. Бу ерда маҳаллий болалар мол боқишаяпти. Бўка туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалигининг катта йўл ёқасидаги боғида эса, бегона ўтлар шу даражада қалинки, боғ ичига киришнинг иложи йўқ. Қуриб қолган эски дарахтлар каллаклангану аммо, тўнкалари кавлаб олиб ташланмаган, бинобарин, улар ўрнига янгиларини экиб, кўчатни бутлаб қўйиш «ёддан кўтарилган».

Ўртачирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалигида боғ қатор оралиғи ҳайдалмаган, дарахтларга шакл берилмаган. Токзорларнинг аҳволига қараб бўлмайди. Токларни кесиб, кўмиш унутиб юборилгани сабабли, у токзордан кўра кўпроқ чакалакзорни эслатади. Пскент туманидаги Дўстбеков номли, Қуйичирчиқ туманидаги Отажонов номли хўжаликларнинг аксарият боғларида ҳам аҳвол шундай.

Бундай ҳолатларни бошқа қатор хўжаликларда ҳам учратиш мумкин. Яқин йилларгача ҳар мавсумда мўл ва сархил мева, узум етиштириб, нафақат вилоят, балки республикада донг таратган хўжаликлардаги боғ ва токзорларнинг бугунги ночор аҳволи, айниқса, ташвишланарли ҳолдир.

Республика Президенти Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясида Тошкент шаҳрини ўраб турган туманларда мева ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва шаҳар аҳолиси эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш юзасидан оқилона маслаҳатлар берди. Бунга эришиш учун, аввало, ғалла экинидан бўшайдиган майдонларнинг бир қисмида янги боғ ва токзорлар барпо этиш режаларини тузишга ҳозирданоқ пухта ўйлаб, жиддий киришиш зарур. Иккинчидан, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш фақатгина шу соҳага ихтисослашган олтита туман эмас, балки қолган 9 та туманларнинг раҳбар ва мутахассисларига ҳам бевосита тегишли муҳим ва масъулиятли вазифадир. Улар пахта ва ғалла билан бир қаторда ўз ҳудудларидаги мавжуд боғ ва токзорларга жиддий эътибор бериб, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш учун бор имкониятларни ишга солиш чораларини кўришлари лозим.

Учинчидан, янги боғ ва токзорлар барпо этиш, мавжудларида эса ҳар мавсумда амалга оширилиши керак бўлган агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли ўтказиш, ҳосилдорликни барқарорлаштириш билан бир вақтда етиштирилаётган маҳсулотларнинг бир қисмини (эҳтиёжга қараб) қайта ишлашни йўлга қўйиш йўлларини излаш ҳам зарурдир. Зеро, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати қанчалик ривожланса, маҳсулот сотиш, яъни даромад шунчалик кўпаяди. Энг муҳими эса, кўплаб янги иш ўринлари очилиб, қишлоқ хўжалигидан бўшаётган аҳолини муқим иш, яъни даромад манбаи билан таъминлаш имкониятлари кенгайиб боради.

Кўклам ўз ҳукмини ўтказишга киришган ҳозирги кунда боғбон ва соҳибкорлар олдида бир қатор муҳим вазифалар турибди. Ушбу агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва маромига етказиб бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш бўлими мутахассислари ҳар куни жойларга чиқиб, фойдали маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бу йил қиш об-ҳавоси одатдагидан иликроқ бўлди. Бундай шароитда кўплаб турли касаллик қолдиқлари ва зараркунандалар қишдан омон чиқади. Кўклам ва ёз ойларида улар янада кўпайиб, маҳсулотларнинг чўғи ва сифатига жиддий зарар етказади. Бундан ташқари ҳароратнинг одатдагидан юқори бўлиши дарахтларнинг эрта уйғониб, барвақт гуллашига олиб келади. Натижада 2002-2003 йилларда кузатилганидек, айрим мевали дарахтларнинг ҳосил тугунчаларини совуқ уриб кетиши мумкин. Бу вазият айни кунларда боғ ва токзорларда орқага суриб бўлмайдиган зарур агротехник табирларни зудлик билан амалга оширишни тақозо этади.

Дарахтлар эрта уйғонишининг олдини олиш учун, айниқса, данакли мева боғларига намлатиб сув бериш керак. Ҳосилга олма қурти, бинафшаранг қалқондор, доирасимон ва қалқонли куя, данакли меваларга тешикли доғча ва нокка шира кўпроқ зарар етказади. Буларга қарши 3 фоизли бордос суюқлиги (100 литр сувга 3 килограмм мис купораси, 3 килограмм сўндирилган оҳак эритиб) ёки 5 фоизли олтингугурт-оҳак қайнатмаси сепилади. Қалқондор ва бошқа зараркунандаларга қарши гектарига 40-50 килограмм ҳисобида 3 фоизли нетрофен эритмаси пуркалади. Шунингдек, 3 фоизли нетрофен (100 литр сувга 3 килограмм) ва 8 фоизли дизел ёқилғиси (100 литр сувга 8 килограмм) биргаликда сепилса, яхши самара беради.

Мевали дарахтлар ҳолати, нави, ёши ва кутилаётган ҳосил чўғига қараб ҳар йили бутаб, шакл берилади. Бунда синган, касалланган ва бир бирига тегиб турган шохлар олиб ташланади. Кўчатларнинг хатоси 15 фоиздан ошмаслиги учун, уларнинг ўрнини вақтида тўлдириб бориш зарур.

Кузда ҳайдалмаган ва ўғит берилмаган боғ ва токзорларда бу тадбир ҳозир бажарилиши лозим. Шунингдек, кўклам ва ёз ойларида касаллик ва зараркунандаларга самарали қарши кураш олиб бориш учун керакли кимёвий дориларни ҳозирдан етарли миқдорда тайёрлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

***106-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.***

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосан суд ҳокимиятига одил судловни жиноят, фуқаровий ва хўжалик ишлари бўйича амалга ошириш билан биргаликда чиқариладиган қонуний актларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос бўлиши устидан назорат олиб бориш вазифаси юкланган.

Суд ҳокимияти ва одил судлов мутаносиб тушунчалардир. Шунинг учун суд ҳокимиятининг мустақиллиги айни бир пайтда, фақат суд одил судловни амалга ошириш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Давлат ҳокимиятининг суддан бошқа идораси бундай ҳуқуққа эга эмас. Одил судлов жамият учун зарур. Чунки у одамлар билан давлат ўртасида бўладиган зиддиятларни, суд муҳокамасидаги ҳар қандай ишни бирон бир тазйиқсиз, қонуннинг устуворлиги ва унга нисбатан ҳурмат қилиш нуқтаи назаридан туриб, ҳал қилади.

Суд ҳокимияти тушунчаси асосини қонуний, асосланган ва адолатли одил судловни амалга оширишга қаратилган фаолият ташкил қилади. У тегишли лаёқатга эга бўлган давлат органи (суд) ёки судьянинг якка ўзи томонидан жиноят, фуқаролик, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, хўжалик-ҳуқуқий баҳслардан келиб чиққан ишларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив равишда, далилларни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлилиги асосида текшириб, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадларида ҳуқуқбузарнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолларни инобатга олиб, ошкора ҳолда тегишли ҳукм, ажрим ёки қарорни чиқариб, моддий-ҳуқуқий ва процессуал қонунда қайд этилган вазифа ва принципларни тўлақонли таъминланиши билан боғлиқ.

Суд ҳокимияти тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолияти ҳам мансуб бўлиб, унга қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг чиқарган ҳужжатларини Конституцияга мос бўлиши тўғрисидаги баҳсларни ҳал этиш ва қонуний актнинг ёки қонуности актининг Конституция талабларига жавоб бериш мақсадларида унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳисобга олиш фаолияти ҳам киради. Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суднинг ташкил этилиши ва фаолият кўриш тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

Суд ҳокимияти фаолиятининг конституциявий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суд тўғрисида», «Судлар тўғрисида»ги Қонунлари, «Ҳарбий судларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом», Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекс, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Меҳнат кодекси, Жиноят ижроия кодекси ва бошқа кодексларда, шунингдек уларга шарҳларга таянади. Бундан ташқари суд ҳокимиятининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми фаолиятида таҳлил этилади ва умумлаштирилади, шунга асосан у Конституция ва қонуннинг устуворлиги (қонунийлик принципи) асосида янада самарали, қонуний, асосланган ва одил судловни амалга ошириш мақсадларида тегишли қарорларни чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»га оид қарорда: «Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонунни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ», деб қайд этилган.

Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатлари шундан иборатки, қонун чиқарувчи ҳокимият тегишли қонунларни чиқаради, ижро этувчи ҳокимият уларни бевосита ҳуқуқни қўллаш амалиётида татбиқ этади, айнан шу вақтда эса суд ҳокимияти у ёки бу қонунлар мажмуига оид моддий нормаларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар бўйича одил судлов функциясини амалга оширади. Мазкур фактлар эса бузилган ҳуқуқни тиклаш ва ҳимоя қилиш, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг ҳуқуқларини қонуний таъминлаш, ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаб, уларга нисбатан қонуний асосланган ва одил жазони қўллаш, чиқарилган ҳукм, қарор ёки ажримни таъминлаш жараёнини амалга оширади. Суд конституциявий эркинликларни ҳимоя қилиб, давлат ва шахс, хилма-хил жисмоний ва юридик шахслар ўртасида воситачилик функциясини бажаради. Шу билан бирга суд қонуний, асосланган ва одилона ҳукм, қарор ва ажримлар чиқарилишини таъминлаши керак. Бунда суд томонидан хатоларга йўл қўйилмаслиги керак ёки уларни тезда бартараф этиш учун қулай шароитлар бўлиши лозим. Шунингдек, ишларни кўришнинг бутун суд босқичлари жараёнида процессуал қоидаларга амал қилиш керак. Бундан ташқари, судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, қарорлари ва ажримлари сўзсиз равишда, бирон бир чекинишсиз ижро этилиши шарт. Шунга асосан на қонун чиқарувчи ва на ижро этувчи ҳокимият бўғинлари суд фаолиятига аралашиш, унинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш, ҳар қандай суд иши бўйича чиқарилган қарорларнинг ижро этилишига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

Суд ҳокимияти ва сиёсий партияларнинг ўзаро муносабати шунда намоён бўладики, жамиятнинг ҳозирги замон холати ҳар қандай судья ёки суд соҳаси ходимининг сиёсий фаолият билан шуғулланишини таъқиқлайди.

Ҳар бир партия Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўзининг вакилига эга. Барча партиялар ўзининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларга асосланиб олиб боради. Шу билан бирга бу партиялардан биронтаси суд ҳокимиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмас. Айни вақтда, суд ҳокимияти агар партияларнинг фаолияти амалдаги қонунчиликка зид бўлмаса, ҳар бир партиянинг ички сиёсий фаолиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмас. Агар сиёсий партиянинг бирон бир вакили суд жараёнида иштирок этса, у судларнинг мустақиллиги ва нуфузини ҳурмат қилиши ва фақат қонунга бўйсуниши керак. Шу билан бирга, у ғайриқонуний равишда одил судловга зид, адолатсиз, ғайриқонуний ва асосланмаган ҳукм, қарор ёки ажрим чиқарилишига таъсир кўрсатмаслиги ва суднинг мустақиллигига раҳна солмаслиги керак. Бундай турдаги ҳаракатлар қонун томонидан таъқиб қилинади ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан тегишли жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий партиялардан биронтаси ҳам ўз мафкурасини суд ҳокимияти соҳасига сингдириш ва ўзининг шартларини суд муҳокамасида қатъиян ўтказиш ҳуқуқига эга эмас. Суд ҳокимияти мафкуравий таъсирдан ҳоли бўлиб, фақат қонун талабларига бўйсунади. Партия ёки жамоат бирлашмаси вакилининг ҳар қандай ҳаракати, агарда у судни мафкуравий жиҳатдан боғлаб, одил судловга қарши, ғайриқонуний ва асоссиз ҳукм, қарор ёки ажрим чиқарилишини мақсад қилиб қўйган бўлса, қонун билан таъқиб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида 2300 дан ортиқ жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. «Бошқа жамоат бирлашмалари» деганда фуқароларнинг умумий манфаатлари асосида бирлашган, эркин фикрларини баён қилишлари натижасида вужудга келган эркин ташкилотлар тушунилади. Бунда оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, фахрийлар ташкилотлари, ногиронлар жамиятлари, ёшлар ва болалар ташкилотлари, илмий, техник, маданий-оқартув, жисмоний-спорт ва ўрнатилган тартибда қонуний рўйхатдан ўтган жамиятлар, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари тушунилади. Уюшмалар, жамиятлар, ассоциациялар, ҳаракатлар, фондлар бундай ташкилотларнинг аниқ шакли сифатида тан олинган. Бу каби бирлашмаларнинг ҳуқуқлари уларнинг уставида кўрсатилади.

Сиёсий партиялар ва суд ҳокимияти, шунингдек суд ҳокимияти ва бошқа жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58 ва 112-моддаларида акс эттирилган талабларга сўзсиз риоя қилинади.

Судлар ўз фаолиятларини сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан холи тарзда амалга оширадилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси ва «Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ судьялар депутатликка ўз номзодларини фақат эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганларидан кейин сайланадилар.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги жиноят, фуқаролик, маъмурий ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан кафолатланади.

Суд қонун ҳукмрон бўлишининг энг муҳим механизми сифатида намоён бўлади, унинг мазкур ҳукмронлигини таъминлаш ҳуқуқи айнан бир пайтда қонунни қўллаш ва ҳуқуқий давлатга мансуб бўлган ҳуқуқ манбаларининг фундаментал иерархиясини муҳофаза этиш мажбурияти сифатида намоён бўлади.

**Эргаш САЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.**

# ПУЛЛИ ХИЗМАТ: ТАФОВУТ НЕГА КАТТА?

бундай хизмат кўрсатиш миқёси 2003 йилнинг тўққиз ойида 40 миллиард 288,8 миллион сўмликни ташкил этди.

Ундаги нодавлат мулк салмоғи 85,3 фоизга тўғри келди, яъни бундай хўжалик юритувчи субъектлар аҳолига ҳаммаси бўлиб сал кам 34,5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатганлар.

Пулли хизмат кўрсатишнинг ҳажмида кичик бизнес тузилмаларининг ҳам улуши муттасил ортиб бормоқда. Чунончи, 2002 йилда уларнинг ҳиссаси 36,3 фоизни ташкил этган эди. Ўтган йилги кўрсаткич эса 37,3 фоизга етди ва кўрсатилган хизмат ҳажмини пулга чаққанда 15 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пулли хизмат ҳажми 16,5 минг сўмликдан ортиқ бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан аҳолига пулли хизмат кўрсатишда арзигулик ютуқларга эришиш мумкинлигини қатор шаҳарлар ва туманлар мисолида кўриш мумкин. Чунончи, Зангиота тумани ва Ангрен шаҳрида шундай бўлаяпти. Зангиота туманида унинг улуши 80,7 фоизга етган бўлса, Ангренда 51,9 фоизгача борди. Худди шу ҳудудларда маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам бундай тадбиркорлик тузилмаларини кўпайтириш ҳисобига кенгаймоқда. У Ангренда 92,1 фоизни, Зангиота туманида эса 87,9 фоизни ташкил этди. Ўртачирчиқда эса 91,7 фоизга тенг бўлди.

Агар барча шаҳарлар ва туманларда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми жилла қурмаганда вилоят бўйича ўртача кўрсаткич даражасида бўлганида эди, янада кўпроқ даромад ва фойда кўрилган бўларди. Лекин, афсуски, бундай бўлмади. Айниқса, қатор туманларда аҳолига бундай хизмат кўрсатишни кенгайтириш у ёқда турсин, режаларни бажармаслик, ҳатто олдинги йилларда эришилган натижалардан ҳам камайишига йўл қўйилмоқда. Бу асосан шу муҳим соҳага иккинчи даражали масала сифатида қараш, уни ривожлантиришга етарли эътибор бермаслик оқибатидир. Бўка, Қибрай, Паркент туманларида солиштирма нархларда шундай ҳолатга йўл қўйилди. У ўтган йилнинг шу даврида-гидан ҳам пасайиб кетди. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу айни вақтда давлат бюджетини тўлдиришнинг, ишсизлик каби муаммоларни енгиллаштиришнинг яна бир манбаи эканлигини унутмаслик керак. Шундай бўлгач, барча шаҳарлар ва туманларда уни ривожлантиришга, бу тармоқ бўйича режаларни тўлиқ ва ошириб бажаришга эришиб, айни вақтда сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни кўрмоқ даркор. Биринчи навбатда эса кичик бизнес, якка тартибда меҳнат қилишга асосланган тузилмаларни кўпайтиришни изчил давом эттириш керак.

Элга чин кўнгилдан ҳалол ва сифатли хизмат қилганлар ҳеч вақт кам бўлмайдилар, унинг раҳматига сазовор бўладилар.

**Собир ҲАМИДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий дастур

# ЭРТАНГИ КУН МУРАББИЙЛАРИ

***Малакали педагогик кадрлар етиштириб беришда Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг ўрни беқиёс.***

Яқинда бу ерда таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш мақсадида «Янги педагогик технология ва ўқитишнинг психологик асослари» кафедраси ташкил этилди. Шунингдек, институтда давлат таълим стандартлари асосида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, таълим, илмий ҳамда услубий ишларни мувофиқлаштириш, бу жараён самарадорлигини ошириш мақсадида бажарилган ишларни мунтазам муҳокама этиб турилади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида факультетларда олиб борилаётган ўқув ва методик ишларни мувофиқлаштириш, ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштиришда факультетларда сифат комиссиялари ташкил этилган.

Илм даргоҳларида қилинаётган ҳар бир ижобий ишлар мамлакатимиз келажаги учун эртанги кунда хизмат қиладиган ёшларни янада билимли ва зукко бўлиб билим олишида муҳим омил ҳисобланади.

**Ўз мухбиримиз.**

*СУРАТЛАРДА: таълим жараёнидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК

***Америка халқаро соғлиқни сақлаш уюшмаси АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) билан ҳамкорликда Тошкентда «Марказий Осиёда тиббий таълим соҳасида минтақавий шериклик» мавзуида халқаро семинар ўтказди.***

Мазкур анжуманда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларининг соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, тиббиёт институтлари ва академиялари ректорлари ҳамда Америка соғлиқни сақлаш уюшмаси, АҚШ тиббиёт коллежлари иштирокчилари Марказий Осиёда тиббий таълим сифатини янада яхшилаш, мазкур соҳа бўйича ҳамкорликнинг истиқболлари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилишди.

**«Туркистон-пресс».**

# Табиат муҳофазаси йўлида

***"Радиссон" меҳмонхонасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган йилдаги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.***

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат неъматларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, экология мусаффолигини таъминлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа бўлиб турибди. Юртимизда бу борадаги муаммолар ечимини топишга, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Йиғилишда соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришишда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

**ЎзА.**


# «TOSHKENT REGIONAL TRADING»

**акциядорлик компанияси 2004 йил 10 апрель куни соат 10.00 да акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 2-уй, «Toshkent Regional Trading» АКнинг «Бизнес-марказ» биноси. Мўлжал: метронинг «Космонавтлар» бекати, «Марварид» дўкони ёнида.**
**(Акциядорлар реестри 2004 йил 11 март санаси билан ёпилади).**
**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Toshkent Regional Trading» акциядорлик компанияси бошқарувининг компаниянинг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Компаниянинг 2003 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
4. «Компаниянинг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги аудиторлик текширув хулосасини тасдиқлаш.
5. 2003 йил якунлари бўйича компаниянинг соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш ҳақида.
6. Компаниянинг 2004 йил учун харажатлар ва даромадлар сметасини тасдиқлаш.
7. Компаниянинг 2004 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Компания чиқарган IV эмиссия акциялари жойлаштирилишининг бориши тўғрисида.
9. Кузатув кенгашини сайлаш.
10. Бошқарув раисини тасдиқлаш.
11. Бошқа масалалар.

Саволлар билан **152-11-71, 152-11-74** телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

**Кузатув кенгаши.**


# Olamda nima gap?

АҚШ:

## ТАРАДДУД

АҚШ демократлари ҳали президент сайловига ўз номзодини аниқлаб олганича йўқ. Бироқ тарғибот-ташвиқот ишлари қизғин давом этмоқда. Республикачилардан номзод амалдаги президент эканлиги маълум. Куни кеча шу вақтгача ҳаракатга киришмай турган республикачилар ҳам сайловолди тарғиботини бошлашди.

Жорж Буш АҚШ губернаторлари миллий уюшмасидаги нутқини сайловолди режаларига бағишлади. Оқ уй раҳбарининг таъкидлашича, келгусида ҳам миллий хавфсизлик, таҳдидларни бартараф қилиш, халқаро террорчиликка қарши курашни кучайтириш масалаларига муҳим аҳамият берилади. Жорж Буш ушбу нутқи билан сайловолди курашига фаол киришганини кўрсатди.

4 март куни республикачиларнинг сайловолди штаби илк реклама роликларини эфирга чиқаради.

ИСПАНИЯ:

## ШУБҲА ЎРИНЛИ ЭКАН

Испания полицияси Мадрид четида йирик террорчилик ҳаракатига ҳозирлик кўришда шубҳаланаётган икки кишини ҳибсга олди. Ирдус Бадито Борде ва Горки Видаль Альваро исмли бу шахслар Коньяверас аҳоли пунктида қўлга туширилди. Улар икки автомобилда кетаётган эдилар. Машиналарнинг бирида 536 килограмм портловчи модда, 90 метр детонация чизимчаси ва портлатгич топилди.

ГАИТИ:

## КЕЛИШУВНИНГ ИМКОНИ БЎЛМАДИ

Гаитида расмий давлат раҳбари тарафдорлари билан мухолифат ўртасидаги қуролли тўқнашувлар туфайли юзага келган мушкул вазият оқибатида мамлакат президенти Жан-Бертран Аристид ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлди.

Маълумки, мухолифат халқаро ҳамжамиятнинг можаронни музокара йўли билан ҳал этиш режасини рад этганди. Унинг вакиллари тўқнашувларга барҳам беришнинг ягона йўли президент Жан-Бертран Аристиднинг истеъфоси эканини таъкидлаб туриб олишди. Президент инсон ҳуқуқларини бузиш ва мамлакат иқтисодиётини танг ҳолга келтириб қўйишда айбланди.

Хабар қилинишича, Жан-Бертран Аристид ҳозирча Марказий Африка Республикасига учиб келди. Бир неча кундан кейин, у ўзига сиёсий бошпана бераётган Жанубий Африка Республикасига жўнаб кетади.

ГРЕЦИЯ:

## КАЛАМТАТДА ЕР СИЛКИНИШИ

Греция жанубида Рихтернинг 12 балл ўлчови бўйича 5,6 балл кучли ер қимирлаши рўй берди. Унинг маркази Афинадан 250 километр узоқликдаги Каламтат шаҳри бўлди. Аҳоли ваҳимада кўчаларга қочиб чиққан. Ҳалок бўлганлар, жароҳатланганлар ҳамда жиддий вайроналар ҳақида маълумотлар йўқ.

КУВАЙТ:

## БАНДАРГОҲЛАР ТАЙЁР

Кувайт ҳукумати мамлакат бандаргоҳлари Ироқ нефтини экспорт қилишга тайёр эканлигини маълум қилди. Бу ерда масаланинг техник тафсилотларини Ироқ вакиллари билан келишиб олувчи махсус гуруҳ тузиб бўлингани ҳақида ҳам эълон қилинган. Бундан ташқари, Кувайт Ироқда табиий газ харид қилиш билан шуғулланишни ҳам режалаштирмоқда.

ЯПОНИЯ:

## АСАХАРА ОЛИЙ ЖАЗОГА МАҲКУМ

1995 йил мартида Токио метросининг гавжум станцияларидан бирида кимёвий моддаларнинг энг кучлиларидан ҳисобланувчи зарин гази ҳавога пуркалганди. Бунинг натижасида 12 киши ҳаётдан кўз юмди, бир неча ўн киши умрбод мажруҳ бўлиб қолди.

Тўққиз йил муқаддам содир этилган ушбу террорчилик ҳаракати ижрочилари ва ташкилотчиларининг аксарияти жазосини олди. Лекин бошқа жойларда жиноят содир этишда ҳам бош қош бўлган, террорчиларнинг гуруҳи – «Аум синрикё» ташкилотининг раҳбари Сиоко Асахара шу кунга қадар ўз жазосини кутиб келган эди. Ниҳоят, саккиз йил давом этган судлов жараёнидан сўнг, Япония пойтахти – Токио суди асл исми Тидзуо Мацумото бўлган раҳнамонинг иши юзасидан ўз ҳукмини чиқарди. У олий жазога ҳукм қилинди.

Шу кунгача «Аум синрикё» билан боғлиқ иш доирасида 11 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган.

# КИЧИК МАЛИКАЛАР КЎРИГИ

***Тошкентда "Кичик малика" танлови ўтказилди. Копіса корпорацияси ва "Nobiles" маданий ахборот маркази танловнинг бош ҳомийлари бўлди. Алина Бронова танлов гран-присини қўлга киритди.***

– "Кичик малика" танлови олти йилдан буён ўтказилмоқда, – деди лойиҳа муаллифи ва режиссёри Андрей Киданов. – Бу йилги танловни саккиз ёшдан ўн икки ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказдик.

А.Кидановнинг таъкидлашича, кичик малика танлови орқали фарзандларимиз оламни қандай тасаввур қилиши, салоҳияти ҳамда ҳис-туйғуларини намойиш қилади. Шунингдек, ўтмишдаги оқил, гўзал ва фозил маликалар, жумладан Бибихонимга ўхшашлик иштиёқи танловда яққол сезилди. Улар ўзлари учун янги эртак яратадилар ҳамда унинг сирли олами ичра яшайдилар. Буни кичик маликаларнинг кўзлари орқали англаш қийин эмас.

**«Туркистон-пресс».**

# «МАНГУЛИККА АЙЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР»

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Мангуликка айланган лаҳзалар" мавзуида бадиий кўргазма очилди.***

Бадиий академия, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Республика рассомлик коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

Кўргазмада Акмал Икромжонов, Ортиқали Қозоқов, Турсунали Қўзиев, Собир Раҳматов, Рустам Худойберганов каби таниқли мўйқалам соҳиблари билан бир қаторда тасвирий санъат оламига энди кириб келаётган иқтидорли мусаввирларнинг ўттиздан зиёд асари жой олган. Уларда жаннатмонанд юртимизнинг баҳорий манзаралари, бетакрор табиати, ўсимликлар олами ва одамлари ёрқин бўёқларда акс эттирилган.

**ЎзА.**

*Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги» ҳамда «Мебел ва ишлаб чиқариш технологиялари» кўргазмалари очилди.*

# КЎРГАЗМАЛАР ЧОРЛАЙДИ

– «Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги» кўргазмаси доирасида илк маротаба «Мебел ва ишлаб чиқариш технологиялари» кўргазмаси ўтказилянти, – деди Itesa-Osiyo компанияси менежери Малика Тойжонова. – Беш йил мобайнида қурилиш кўргазмасининг экспозиция майдони кенгайиши билан бирга, унинг қатнашчилари сони ҳам кўпайди. Дастлабки йилларда кўргазмада олтита компания қатнашган бўлса, жорий йилда уларнинг сони саксонтага етди. Кўргазма қатнашчиларининг олтмиш фоизи хорижий компаниялар бўлиб, бу Ўзбекистон бозорига хорижликларнинг қизиқиши сезиларли даражада кучайганлигини тасдиқлайди. Қурилиш ва бинокорлик, пардозлаш материаллари, вентиляция ва иситиш тизимлари, дераза, эшиклар, витражлар, сауна, ҳаммом ва сузиш, электр техника, интерер ва дизайн, меъморчилик ва лойиҳалаш, мебел ишлаб чиқариш ускуналари, мебел ва мебел фурнитураси кабилар кўргазманинг асосий бўлимларини ташкил этади.

**Дилдора ТОИРОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ* *СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# ФУТБОЛДАГИ ЯНГИ ҚОИДА

***Халқаро футбол уюшмалари кенгаши (ИФАБ) Англиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган мажлисида футбол ўйини қоидаларига қатор ўзгартиришлар киритди. Халқаро футбол уюшмаси – ФИФА, Англия, Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия вакиллари иштирок этган йиғилишда қабул қилинган янги қоидалар жорий йилнинг 1 июлидан кучга киради.***

Аксарият кузатувчилар Лондондаги мажлисда ИФАБ мутахассисларининг сунъий қопламали майдонларда расмий учрашувлар ўтказишни қонуний-лаштирганини тарихий воқеа сифатида эътироф этмоқда. Бироқ бундай майдонларда ўйин ўтказиш учун қоплама ФИФА стандартларига тўлиқ жавоб бериши ҳамда мусобақа регламентида қайд этилиши талаб қилинади.

Яна бир янгилик – бир неча йил давомида жаҳон футболида амалда бўлган "олтин гол" ва яқиндагина жорий қилинган "кумуш гол" қоидаларидан бутунлай воз кечиладиган бўлди. "Олтин гол" қоидаси асосий вақтда ғолиб жамоа аниқланмаган ҳолда кучга киради. Бунда футболчилар 15 дақиқадан яна икки бўлимда майдонга тушади. Агар қайси жамоа биринчи бўлиб тўп киритса, учрашув шу пайтнинг ўзида якунланади.

Асосан Еврокубок мусобақаларида амал қилинаётган "кумуш гол" қоидаси асосий вақтдан кейин қўшиб берилган бўлимларнинг қайси бирида жамоа гол киритса, фақатгина ўша бўлим охиригача ўйналади. Мисол учун бир жамоа дастлабки 15 дақиқада дарвозани ишғол қилса, рақибда фақат ўша бўлимда ҳисобни тенглаштириш имкони бўлади, холос.

Энди учрашув ғолиби аниқланиши шарт бўлган беллашувлар ўтказилса, асосий вақтда дуранг ўйнаган жамоалар яна тўлиқ ярим соат ўйнаши лозим. Шунда ҳам дуранг натижа сақланиб қолса, ғолиб жамоани пенальтилар серияси аниқлаб беради.

ИФАБ кейинги пайтда футболчилар томонидан киритилган голни "нишонлаш" борасида ўйинчиларнинг хатти-ҳаракатини чекловчи қоидани ҳам кучга киритади. Унга кўра, гол киритилгандан сўнг футболчи кийимини ечиб, муваффақиятини намойиш қилса, шу заҳотиёқ ҳакам томонидан огоҳлантирилади.

Энди ўртоқлик ўйинида шогирдларини синаб кўраётган бош мураббий беллашув давомида фақат олти ўйинчини алмаштириши мумкин. Чунки айрим баҳсларда мураббийлар биринчи бўлимда ўйнаган таркибни бутунлай алмаштирган вазиятлар ҳам кузатилаётган эди. Мазкур қоида ФИФА президенти Йозеф Блаттер эътиборида турди. Бу мутахассис аввалига ўртоқлик учрашувларида бештагача заҳира ўйинчисидан фойдаланишни таклиф қилганди, лекин аксарият терма жамоаларнинг мураббийлари унинг фикрига қўшилмади ва бу кўрсаткич олтита қилиб белгиланди.

ИФАБ футбол мутахассисларининг айрим таклифларини маъқулламади. Германия футбол уюшмаси томонидан билдирилган бўлимлар ўртасидаги 15 дақиқалик танаффусни яна беш дақиқага узайтириш ҳақидаги фикр ўз тасдиғини топмади. Қолаверса, жаримадан ва эркин тўп тепишда "жонли девор"нинг кўрсатилган масофада турмаслиги ёки футболчининг ҳалақит қилиши рақиб дарвозаси томонга тўпни тўққиз метргача суриш билан жазолаш қоидаси ҳам тасдиқланмади.

Ёзда Португалияда ўтадиган Европа чемионатидан кейин кучга кирадиган янги қоидалар қай даражада ҳаётий эканини вақт кўрсатади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Шундан кейин

## «ФОРБС»НИНГ ЯНГИ РЎЙХАТИ

АҚШда чоп этиладиган «Форбс» журнали дунёнинг энг бадавлат одамлари рўйхатини эълон қилди. Унда ёзилишича, бу йил миллиардерлар сони ўтган йилдагига қараганда 64 нафарга кўпайиб, 587 кишига етган. Уларнинг умумий маблағи эса 1,9 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Рўйхат бошида бу йил ҳам «Майкрософт» компанияси асосчиси Билл Гейтс турибди. Унинг маблағи 46,6 миллиард долларни ташкил этади. Яна бир америкалик йирик сармоячи Уоррен Баффетт иккинчи поғонани банд этди. У.Баффетт ҳисобида 43 миллиард доллар маблағ бор. Учинчи ўрин Германиядаги супермаркетлар тармоғи хўжайини Карл Албрехтга тегди. У 23 миллиард долларга эга.

## ОЙДАГИ ТОМОРҚАЛАР

Австралияда Lunar Realty фирмаси Ойдаги ер савдоси билан шуғулланмоқда. Тадбиркорлар бу табиий йўлдош сатҳини 0,4 гектар бўлакларга бўлиб, уларни 10 доллардан пуллашмоқда. Истисно тариқасида ҳар бири 4 гектарлик бир неча участкалар «Хилтон» ва «Марриот» меҳмонхоналари қурилиши учун ажратилган. Бир қарашда ғалати кўринувчи бу савдога жиддий муносабатда бўлаётганлар ҳам кўп экан. Шу кунгача 2 миллиондан ошиқ томорқа сотилгани шундан далолат беради.

## БАРМОҚДА ГАП КЎП

Ливерпуль университети олимлари эркак қўлининг тузилишига қараб, юрак хасталикларига мойилликни аниқлаш мумкин демоқдалар.

150 дан ошиқ беморлар билан олиб борилган тадқиқотлар туфайли ажиб натижалар намоён бўлди. Маълум бўлишича, эркак кишининг кўрсаткич бармоғи номсиз бармоқдан 10 ёки ундан ортиқ фоиз қисқа бўлса, унинг соҳиби 70 ёшгача юрак хасталиги нималигини билмас экан. Бундай бармоқлари деярли тенг бўлган кимсалар эса, 45 ёшга тўлмай кардиолог ҳузурига боришга мажбур бўлар эканлар.

## ЭСНАЙВЕРИНГ, МУЛОЙИМ БЎЛАСИЗ

Олимларнинг таъкидлашича, тез-тез ҳомуза тортувчи кишилар бошқаларга нисбатан мулойимроқ ва меҳрибонроқ бўлишар экан. АҚШнинг Филодельфия штатидаги Дрексель университети ходимлари томонидан ўтказилган тажрибалар одамларнинг 40-60 фоизи бировнинг эснаётганини кўрганда баравар ҳомуза тортишини аниқладилар. Тестлар шуни кўрсатдики, эсноқа бетаъсир кишилар жоҳилроқ ва ён атрофдагиларни ҳақоратлашга мойил бўлишар экан.

Халқ табобати

# ЗАЪФАР

*Туганак пиёзчали кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 30 см.гача боради. Пиёзчаси думалоқ шаклда диаметри 2,5 см.ли, қуруқ, тўрсимон ёки толасимон қин қолдиқлари билан ўралган. Барглари тик ўсади, гуллари хушбўй, аксари сарғиш рангда, одатда тупроқ тагида бўлади.*

*Заъфар тиббиётда терлатадиган, пешоб ҳайдайдиган, тинчлантирадиган, юракка қувват берадиган, йўталга қарши восита тариқасида кўп ишлатилади. Гулларидан сув, спирт ва мойда тайёрланган экстрактлар кўкйўтал, тиреотоксикоз касалликлари давосига буюрилади. Дамламаси бадан териси ва шиллиқ пардалардаги яра-чақаларга қўйиш, уларни ювиш, чайиш учун ишлатилади.*

*Ибн Сино маълумотларига қараганда, заъфар одамни тетиклантириб, кўз қувватини оширади, нафасни ростлайди, юрак, меъда-ичак йўли, жигар фаолиятини жонлантиришга таъсир кўрсатади.*

***Тайёрлаш усули:*** *1. Гулларидан 2 чой қошиқ миқдорида олиб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади-да, совигунича дамлаб қўйиб, кейин сузиб олинади. Сийдиктош касаллиги ёки бронхит давоси учун бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади. 2. Икки ош қошиқ миқдоридаги заъфар гуллари устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, паст оловда 30 дақиқа қайнатилади, совигунича дамлаб қўйилади-да, кейин сузиб олиб, йирингли яралар, чипқонларни ювиш учун ишлатилади.*

# ОВЧИНИНГ ОВОЗИ

**Ҳикоя**

**Сирасини айтганда, меҳр дегани фақат инсонлар орасидаги муносабатни ифодаламайди. Балки, инсоннинг табиатга муносабатида ҳам меҳр бўлиши керак. Акс ҳолда мутаносиблик бузилади. Ёзувчи Отабек Ғойибнинг «Овчининг овози» ҳикоясида ғайритабиий бўлсада айнан инсон билан табиат ўртасида мутаносиблик бузилса, қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида гап кетади ва ўқувчини беихтиёр фикрлашга ундайди.**

Бу воқеа тоғли қишлоқлардан бирида рўй берган. Ўша воқеани эсласам, ҳалиҳали вужудим зирқираб кетади.

У ҳам кўп қатори уйлижойли, оилали инсон эди. Кулбаси тоғ этакларида жойлашганлиги сабабли кўнгли қўмсаб қолган чоғларда милтиғини елкасига илиб, овга отланарди. Кейинги пайтларда негадир уни тоғ бағрига, олис-олисларга кимлардир чақираётгандек туюларди, уйида ўтирган жойида ҳам ўзига-ўзи гапирадиган одат чиқарди. Умр йўлдоши Холида ҳам бир эмас, икки эмас, бир неча марта «Йўқол, йўқ дедим-ку, бормайман ахир, нега ўз ҳолимга қўймайсанлар, йўқ бормайман... Бўпти, бўпти дедим-ку, хўп бўлмаса, кейинроқ борганим бўлсин, қутулдимми, бор-эй!» каби зардаларини эшитиб қоларди. Аёл кишини ваҳима босарди.

... Ўша куни овга чиқаётганда оёғи тортмаганди. Кўнгилсиз воқеа содир бўлишини сезганди. Аммо, ярим йўлдан орқага қайтишнинг хосияти ёмон, шуни хаёлидан ўтказаркан, йўлида давом этди. Орқага қайтмади, яқравлик қилди. Шу куни аксига олгандек ови ҳам ўнгидан келмади. Омадсизликдан кўнгли хижил бўлиб, асаб ришталари тортила бошлади. Кутилмаганда баҳайбат бўрига кўзи тушди. У шунча ов қилиб, бундай жониворни биринчи марта кўриши эди. Бўрини ҳуркитмаслик мақсадида изидан аста-секин қадам ташларди. Кутилмаганда бўри ортига шунчалик тез бурилдики, овчи беихтиёр милтиғининг тепкисини босиб юборганини ҳам сезмай қолди. Ўқ овози тоғ бағрида гумбурлаб аксадо берди. Кўп йиллик тажриба овчига панд бермади, бўри қаттиқ жароҳатланди. Даҳшат ила ўкирганича ерга қулади. Сал нарироқда турган иккинчи бўри бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ундан чиққан дардли нолишлар худди азоб билан жон бераётган кишининг инграётганига ўхшаб кетарди. Овчи пичоғи билан бўрининг терисини шилаётганида сесканиб кетди. Жониворга эмас, худди одам танасига пичоқ санчаётгандек ҳис қилди. Уйга қандай келганини ҳам билмайди. Хаёлида фақат ўша бўри гавдаланиб келаверарди. Бошқаси эсида йўқ. Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, алаҳсирашлари, қайларгадир чиқиб кетишга мойиллиги уни тарк этмасди.

Абдурайим бошига тушган мусибатни ҳеч кимга тушунтира олмасди. Бу сафар тоғ бағрига яқинлашса, бир умрга қолиб кетадигандай, кимдир ёхуд нимадир ушлаб қоладигандай туюларди, қўрқарди. Аммо, нимадан қўрқишини ўзи билмасди. Бормайин деса, кўнгил қурғур овга одатланиб қолган, овни қўмсаб туради. Шу боисдан дили «бор» деса, тилида «йўқ», «тўхта» дея таҳдид қандай чиқиб кетганини сезмай қоларди. Мард овчи ўз-ўзидан қўрқоқ кишига айланиб қолди.

Тоғ бағридаги катта ғор ичида она бўри беш боласи билан яшарди. Кулранг тусга кириб қолган ва баҳор фасли кириши билан туклари тўкила бошлаганлиги боис кишининг кўзига ажабтовур кўринарди. У болаларини соғ-омон қишдан чиқариб олганидан хурсанд. Топган-тутганини ёш бўричаларга келтирар ва уларнинг ўлжани тортқилаб ғажишларига ҳавас билан тикиларди. Гоҳ-гоҳида она бўри одам қиёфасида юрган ваҳшийлар тўғрисида ўйласа, танаси жимирлаб кетарди ва умр йўлдошининг ўлдирилгани алам қила бошларди. Шеригини Абдурайим овчи отиб ўлдирганди. Бўри унинг кимлигини билмаса-да, башарасини таниб олганди. Доим ўлжа излаб юрса-да, овчига дуч келишини интиқлик билан кутарди. Орадан уч ой ўтган бўлса ҳам овчига юзма-юз келиш ниятидан қайтмасди. Бу орада болаларининг кўзи очилди, талашиб-тортишиб ўйнайдиган бўлишди. Яна икки-уч ой ўтса бўлгани, кейин ўзи овчини излаб топади. Ундан ўчини олиб, ўзи ҳам ўлса армонсиз кетган бўларди. Бўри шу ҳақда ўйларкан, осмонга қараб улирди. Унинг улишини кузатиб турган болалари қўрқканларидан жунжикиб олишарди.

... Орадан яна бир ой ўтар-ўтмай Абдурайим бироз ўзини яхши ҳис қилганлиги боис тоққа чиқди. У йўл-йўлакай жониворларни овлаш ниятида белгиланган жойларга қопқон қўйиб кета бошлади. Балиқ тутадиган жилкадан ясалган илгакларни парранда ушлаш мақсадида дарахтлар тагига жойлаштириб, атрофига дон сочди. Доим дам оладиган пистирмасига етиб келди. Йўлда отган уч қуёну битта тулкини белидан ечиб ерга ташлади-да, капасидаги хасхашакдан тайёрланган жойини ростлай бошлади. Олдинги ҳолати йўқлигиданми ёки кўп уринганлиги сабабми, ишқилиб, қаттиқ чарчабди. Чўзилган ҳолда уйқуга кетди. Овчи кўзини очганида қуёш ботаётган эди. Ўрнидан туриб, қуёнларни шошилмай пўстлади-да, ўчоққа ўт ёқди. Ўйдан келтирган ёғни қозонга солиб, гўшт қовурди. Кечки овқатни егандан кейин ов пичоғини ва дастурхонни боши томонга қўйиб ухлади.

Тонг саҳарда беданаларнинг сайрашидан ва совуқ шабаданинг юзини силаб ўтишидан уйғонди. Энди ёруғлик борлиқни ёриб келаётганди. Тунги зим-зиёлик чекиниб, унинг ўрнини эгаллаётган ёруғликни кузатиб ётган овчи табиатнинг нақадар кўп сирларга бурканиб ётганини сезгандай бўлди. Бора-бора ҳамма жойни оппоқ тонгнинг рангли нурлари эгаллай бошлади. Сўнг қуёш нурлари биринчи бўлиб баланд тоғ чўққиларига келиб тақалди, кейин олис-олислардаги кенгликларга ҳам етиб борди. Орадан бир неча вақт ўтгач, қуёшнинг заррин нурларидан етиб келаётган иссиқлик ҳам киши танасига ҳузур бағишлай бошлади. Бу пайт овчи ўчоқда чой қайнатиб ичишга улгурганди. Ов милтиғини елкасига олиб, керакли анжомларни белига осиб яна тепага чиқа бошлади.

Анча юргандан кейин бўрилар яшайдиган масканга ҳам етиб келди. Абдурайим шу ўртада бўриларни қўлга туширарди. Бу сафар ҳам ўлжасини кутиб туриш мақсадида ўзига жой танлади.

Бундан хабарсиз она бўри болаларини ўлжа топишга ўргатиш ниятида навбатдаги машқни ўташга олиб чиққанди. Аввалига улар онаси ёрдамида қуённи тутиб олдилар. Яна ўлжа кетидан қувишиб, овчи ётган жойга келиб қолдилар. Унчалик катта бўлмаган тоғ эчкисини ҳар тарафга тортқилашарди. Она бўри эса уларга тикилганча турарди. Шу пайт кутилмаганда бўри ўртада яна кимдир борлигини ва бу болалари учун хатарли эканлигини хис қилди. Болаларини қизғанганлиги боис она бўри овчи томон яқинлаша бошлади. Унинг ҳидини олди. Овчи нималар бўлаётганини, она бўрини отиш ёки отмасликни ўйларкан, ҳийла саросимага тушиб қолди. Қочишнинг иложи йўқ. Орқаси жарлик. Кутилмаганда овчи ҳам қаддини ростлади ва ўзи истамаган ҳолда бўрига қарата ўқ узди. Овчи билан яраланган она бўри ўртасидаги олишувни бўричалар кўриб турарди. Она бўри кўксидан қон тизиллаб отилар, унинг изтиробли фарёдига бардош беролмай ёш бўрилар ҳам улиб юборди. Она бўрининг сўнгги ҳайқириғи «қочинглар» деган маънода садо берди шекилли, бу овоздан сўнг бўричалар тум-тарақай бўлиб қоча бошладилар. Шу пайт жароҳатланган она бўри жон ҳолатда овчига ташланди. Унинг бўйнидан ғажишга улгурар-улгурмас иккаласи ҳам жарликка қулаб кетди. Тоғнинг тош кўчкилари остида қолган бўри ўша замон ҳалок бўлганди. Унга чирмашиб қолган овчи эса хушсиз ётарди. Бўридан оқиб тушаётган қон Абдурайимнинг жароҳатланган бўйнига томарди...

Овчи гоҳ ўзига келиб, гоҳида хушидан кетарди. Шу пайт ўтган кунлар, ов қилиб кўп жониворларга берган азоблари бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади. Ўтган йили қишнинг қақраган чилласида очликка чидай олмаган она кийик тузоққа илинганида, унинг одам боласидек кўзлари жовдираб, раҳм-шафқат сўраётгандай тикилишлари ва илтижоли ниғоҳларига парво қилмай, бўғзига пичоқ тортганди. Хаёлида ўша кийик «Бир кун келиб менинг ҳолимга тушарсан, худо ҳаққи, қўйиб юбор, болаларим хор бўлмасин» деб ялинганди гўё. Аммо у парво қилмади, кийикнинг дардини тушуна олмади. Бундай ҳолат унинг ҳаётида кўплаб рўй берган эди. Бўриларни ов қилганида ҳам, айиқни қопқонга туширганда ҳам раҳм-шафқат нималигини хаёлига келтирмаганди. Ҳозир бутун аъзои бадани зирқираб оғрир экан, ўлжасига айланган ҳайвонлар бирма-бир кўз ўнгидан ўтарди. Яна кўзолди қоронғулашди ва ҳеч нарсани сезмай қолди. Миясига бир нарса урилгандай бўлди. Бора-бора хаёллари ҳам туманлашиб кета бошлади. Бу пайт она бўрининг қони овчи қонига қоришиб кетишга улгурганди. Овчи ҳеч нарсани ўйлай олмасди. Миясида эса нималардир ғужурлаётгандай бўларди. Яна хушини йўқотди. Орадан икки кун ўтгач, уни излаб чиққан қишлоқдошлари жарлик тубидан топиб олишди.

Абдурайимни уйига олиб келдилар. Бўри бўйнини қаттиқ ғажиган экан, қон кўп кетибди, мадорсиз ётарди. Қишлоқ табиблари кечакундуз унинг бошида туришди. Қарийб бир ой деганда овчи ўзига келгандай бўлди. Аммо гапира олмаслиги таажжубли эди. Кўплар овчини жарлик тагида жин уриб кетган деб гап чиқаришди. Овчи эса олдига келганларга жимгина тикилиб қарарди, холос. Вақт ўтиши билан ёнига ҳеч кимни йўлатмайдиган одат чиқарди. Ён қўшниси Эргаш ака кўпни кўрганлиги боис фақат ўзи уни овқатлантирарди ва уйнинг эшигини беркитиб, ҳовлидан чиқиб кетарди. Кунларнинг бирида овчи қандайдир ҳайвонга ўхшаш овоз чиқариб уйдагиларни қувиб юрганида Эргаш ака келиб қолди. У Абдурайимни боғлаб қўйишга мажбур бўлди. Шундан сўнг овчи доим боғлиқ ҳолда сақланар эди.

Уни дўхтирларга кўрсатишди. Табобат ходимлари ҳам касалини аниқлай олишмади. Шу ҳолда Абдурайим анча вақт уйида сақланди. Кунларнинг бирида Эргаш ака уни овқатлантираётганида қўшнисининг баданида ҳайвонларда ўсадиган туклар кўпайиб бораётганига кўзи тушди. Бу ҳолатдан у ёқа ушлаб қолди. Қўшнисига баданида чиқаётган тукларни кўрсатар экан, овчининг кўзларидан ёшлари сизилиб чиқа бошлади. Эргаш ака ҳам ич-ичидан эзилиб кетаётган бўлса-да, уни тинчлантиришга ҳаракат қилиб:

— Худо хоҳласа, тузалиб кетасан. Абдурайимбой. Кўй, кўп қайғураверма, — дея елкасига қоқиб қўйди. Абдурайим эса кўзларида ёш билан қўшнисига тикилиб қарарди.

— Абдурайим, ол, овқатингни егин, қувват олишинг керак, шундагина тузалишинг мумкин, — дея қўлидаги қошиққа овқат олиб унга узатди.

Овчи унинг гапини тушундими-тушунмадими, буни англаб бўлмасди. Аммо у қўшниси қўлидаги қошиқни кўриб оғзини очди. Овқатланиб бўлгандан кейин Эргаш ака Абдурайимни яна боғлади, бу ҳам етмагандек эшикка қулф ҳам осилди.

Қўшнисининг қандай касалга дучор бўлганлигини билиш мақсадида Эргаш ака туман касалхонаси томон йўл олди. Бу ерда катта тажрибага эга бўлган шифокорлардан бири билан учрашди. Унга овчи қандай ҳолатда қишлоққа олиб келинганлигини ва овчини топганда устида ўлиб ётган бўрининг қони унинг жароҳатланган бўйнига томиб турган ҳолда қотиб қолганини айтиб берди.

— Мен одам танасида ҳайвон туклари чиқишини биринчи марта эшитяпман, агар бўрининг қони унинг қони билан аралашган бўлсаю, овчининг вужудидаги қон ҳам булғанган бўлса, тук чиқариш жараёни кучайиши мумкин. Энди унинг қонини текшириб кўришга тўғри келади, — деди кекса шифокор.

Табиб бу воқеага ишонгиси келмасди. Ахир одам танасида қандай қилиб ҳайвон туклари чиқиши мумкин? Фақат қон қўшилиши билан тук чиқариши аҳлга сиғмайди, бу ҳол ғайритабиий тарзда содир этилган бўлса ҳам ажабмас, деб хаёлдан ўтказди табиб.

Нима бўлса-да, аслида, Абдурайим овчининг бадани бу пайт ҳайвон тукига тўлиб бораётганди. Ташқарига чиқмагани сабабли олдига кирган киши овчининг кўзида ўт ёниб турганини, кўзлари қип-қизил қонга тўлганини кўрарди. Овчи эса ҳамон гапира олмасди. Фақат қандайдир инграган ҳолда ҳайвонга ўхшаб овоз чиқарарди, холос.

**Отабек ҒОЙИБ.**

Бектемир туманидаги 290-мактаб томонидан 1992 йил 15 июнда Айгуль Шахмардановна Сапарбекова номига берилган А 084231 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Безух Светлана Музафаровна номига 1993 йил 18 февралда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги 04-01/13430 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели туманидаги «Angor-servis» ХИЧТКга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-450. Адади 9015. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 2 3 4 5 6